**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

(ЎзМУ ректори)

2021 йил “06” 08

# СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ

## ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 300 000 – Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот |
| **Таълим соҳаси:** | 310 000 – Ижтимоий ва хулқ-атворга оид фанлар |
| **Таълим йўналиши:** | 60310700 – Сиёсатшунослик |

Тошкент – 2021

| Фан/модуль коди<br>SJTTB209 | | Ўқув йили<br>2022-2023 | Семестр<br>3-4 | Кредитлар<br>9 | |
|---|---|---|---|---|---|
| Фан/модуль тури<br>Мажбурий | | Таълим тили<br>Ўзбек | | Ҳафтадаги дарс соатлари<br>4 | |
| 1. | Фаннинг номи | | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустақил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
| | Сиёсий жараёнларнинг тизимли таҳлил | | 120 | 150 | 270 |

2\. **I. Фаннинг мазмуни**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга сиёсий жараёнларнинг тизимли таҳлили бўйича билимларнинг назарий асосларини, сиёсий жараёнларга оид асосий тушунчалар ва категорияларни, сиёсий таҳлил усуллари борасидаги таҳлилий ва технологик билимларни шакллантириш орқали уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг вазифаси –талабаларда сиёсий жараёнларни тадқиқ этишнинг асосий методлари ҳақида ҳақиқий ва аниқ тасаввурларни шакллантириш, бу борада кўникма ва малакаларини ошириш, сиёсий тадқиқотлар олиб боришнинг асосий услуб ва воситаларидан фойдалана олишлари ҳамда давлатлар миллий манфаатларини таъминлашда стратегик йўналишларда тадқиқот олиб боришнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш ва уларнинг прогнозини амалда қўллаш бўйича кўникма ва малакаларини эгаллашга қаратилган.

**II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

**II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**1-Мавзу. Сиёсатнинг назарий моделлари ва сиёсий таҳлил асослари. Фанинг предмети, мақсад ва вазифалари.**

Сиёсатнинг фундаментал назариялари ва уларнинг амалий сиёсатшунослик билан ўзаро боғлиқлиги. Сиёсий жараён сиёсий таҳлилнинг объекти сифатида. Сиёсий жараён тушунчаси унинг таркибий қисмлари.

**2-Мавзу. Сиёсий жараёнларда сиёсий таҳлилнинг ўрни.**

Тизимли ёндашув: эволюция, асосий тамойиллар ва чекловлар. Мавзуга йўналтирилган ёндашувнинг турлари: майдон назарияси ва назариялари ҳаракатлар.

Сиёсий таҳлилнинг моҳияти ва ўзига хослиги. Сиёсий тадқиқотларда сиёсий таҳлилнинг ўрни ва роли. Сиёсий таҳлил ўзининг предмети ва ўзига хосликлари



| | |
|---|---|
| | Гардарики, 2006.<br>15. Дегтярев А.А. Прикладной политический анализ. –М.: МГИМО (У) МИД РФ 2010.<br><br>**Ахборот манбаалари**<br>16. www.prezident.uz– Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти<br>17. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.<br>18. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.<br>19. www.ziyonet.uz- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим портали. |
| 7. | **Ўзбекистон Миллий университети томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.** |
| 8. | **Фан/модуль учун маъсулар:**<br>У.Бўтаев – ЎзМУ, Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). |
| 9. | **Тақризчилар:**<br>И.Исломов – тарих фанлари доктори, профессор<br>Ф.Ҳикматов – ТДТУ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти в.б., сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) (турдош ОТМ). |

| | |
|---|---|
| | • жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар. |
| 5. | **VII. Кредитларни олиш учун талаблар:**<br>жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топширикларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни муваффақиятли топшириш. |
| 6. | **Асосий адабиётлар**<br>1. Бўтаев. У.Х. Сиёсий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Mumtoz so'z, 2019.120б.<br>2. Джумаев Р.З. ва бошқ. Сиёсий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДШУ, 2020. –148б.<br>3. Джумаев Р.З., Ёвқочев Ш. Сиёсий технологиялар. – Т.: ТДШУ, 2018. – 232 б.<br>4.Исломов И.Н., Абдукаримов Ғ.О. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти. –Т.: 2020.<br>5. Туронок С.Г. Политический анализ и прогнозирование. –М.: Юрайт, 2017.<br><br>**Қўшимча адабиётлар**<br>1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.– 592 б.<br>2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018.–508б.<br>3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.–400 б.<br>4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020.– 452 б.<br>5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2021.<br>6. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. – Тошкент: Академия, 2007. – 187 б.<br>7. Yuldasheva G.I. Xalqaro munosabatlarning metodologik aspektlari. – Toshkent: TDShI, 2009. – 213 b.<br>8. Симонов К.В. Политический анализ: Учебное пособие. – М.: Логос, 2002. 152 с.<br>9. Таджиев Ш. "Мягкая сила" во внешней политике Республики Узбекистан на современном этапе. Т.: 2020. – С. 325.<br>10. Туляганова Н.У. Системный анализ политических процессов. – Ташкент: УМЭД, 2005. – 175 с.<br>11. Боқоев М., Раимова Г., Ахмедов О. Тизимли таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш. –Т.: Академия, 2012. – 450б<br>12. Бўтаев. У.Х. Жамият барқарорлиги: Ўзбекистон тажрибаси. Монография.– Тошкент: Фан ва технология, 2017.<br>13. Бўтаев. У.Х. Ўзбекистон миллий манфаатларини таъминлашнинг концептуал асослари. -Т.:Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти,2021. -204 б.<br>14. Ахременко А.С. Политический анализ и прогнозирование. –М.: |



| | |
|---|---|
| | билан татбиқий фан сифатида. Татбиқий билим сифатида сиёсий таҳлилнинг дастлаб субъект олдида муаммоларни ўрганишга киритилиши.<br>Технолог – аналитикнинг одатда воқеаларни тушунтирувчи ва амалий маслаҳатларни шакллантирувчи мутахассис сифатида тушунилиши. Сиёсий таҳлилнинг тузилиши. Сиёсий таҳлил тадқиқот ёндашувининг 3 даражаси. Микротатбиқий вазият таҳлили, сиёсий таҳлил жараёни. Сиёсий таҳлил муаммоларининг концептуаллаштириш босқичи.<br><br>**3-Мавзу.Мавзу. Сиёсий жараённинг моҳияти ва унга оид концепциялар.**<br>Сиёсий жараённи талқин қилишнинг концептуал ёндашувлари. Сиёсий жараённи таҳлил қилишнинг таркибий, функционал ва динамик усуллари. Г.Алмонднинг сиёсий жараён асосий компонентларини ва функцияларини яхлит механизмда аниқлашга оид функционал ёндашуви. Сиёсий жараён сиёсий тизимнинг даврий ишлаши сифатида (Д.Истон). Сиёсий жараённинг асосий босқичлари. Сиёсий жараёнларни ўрганишда макро ва микро даражалар.<br><br>**4-Мавзу. Сиёсий жараёнларни ўрганишнинг услубий ёндашувлари.**<br>Институционал, хулқ-атвор, тизимли ва функционал, социологик, дискурс, оқилона танлов назарияси. Сиёсий жараён параметрлари.<br><br>**5-Мавзу. Сиёсий жараёнларни турлари.**<br>Сиёсий жараёнлар ҳокимиятни амалга ошириш шаклига кўра фарқланиши. Демократик ва нодемократик типларнинг ўзига хос хусусиятлари. Конституциявийлик ва қонунийлик. Мухолифатнинг турлари, намоён бўлиш шакллари. Ҳукмрон куч ва мухолифат ўртасидаги муносабат. Ижтимоий муносабатларни сиёсий тартибга солиш. Ички сиёсий жараён билан ташқи сиёсат жараённи фарқлаш.<br><br>**6- Мавзу. Сиёсий жараённинг тузилиши.**<br>Сиёсат субъектлари ва объектлари, сиёсий мақсадлар ва манфаатлар, сиёсий муносабатлар, сиёсий фаолиятнинг воситалари, усуллари, манбалари, шартлар ва натижалар. Очиқ ва ёпик сиёсий жараёнлар. Жамият ва давлат. Халқаро жамият. Сиёсий элиталар. Оммавий ахборот воситалари. Сиёсий партиялар. Жамият – сиёсий муносабатлар ва ҳаракатлар боғлиқлиги. Этноконфессионал гуруҳлар. Ички ва ташқи сиёсат.<br><br>**7-Мавзу. Сиёсий жараёнларни аниқлаш усуллари.**<br>Сиёсий муаммоларни шакллантириш. Сиёсий жараёнларнинг турлари а) яширин, очиқ; б) асосий, хусусий; с) маҳаллий, хорижий.<br><br>**8-Мавзу. Сиёсий жараёнларни аниқлаш босқичлари.**<br>Сиёсий жараённинг босқичлари а) сиёсий тизимнинг қурилиши; б) сиёсий тизим компонентларини такрор ишлаб чиқариш; в) сиёсий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда амалга ошириш; д) иш фаолиятини назорат |

| | |
|---|---|
| | қилиш.<br><br>**9-Мавзу. Сиёсий жараёнларда манфаатлар ва уларнинг давомийлиги.** Манфаат тушунчаси. Манфаатлар таснифи. Сиёсий жараёнларда иштирок этувчиларнинг манфаатлари. Шахсий, гуруҳий ва миллий манфаатлар. Манфаатларнинг ўзгарувчанлиги. Узоқ муддатли ва қисқа муддатли сиёсий жараёнлар.<br><br>**10-Мавзу. Тарихий ривожланиш жараёни ҳамда ижтимоий ўзгаришларнинг хусусиятига қараб сиёсий жараёнларнинг турлари.**<br>Эволюцион, инқилобий. Ижтимоий ўзгаришларнинг хусусиятига қараб сиёсий жараёнларнинг турлари: а) сайлов жараёни; б) инқилоб; в) аксил-инқилоб; г) ислоҳотлар; д) қўзғолон; е) сиёсий кампания; ё) бевосита ҳаракатлар (иш ташлашлар, митинглар, намойишлар).<br><br>**11- Мавзу. Ижтимоий-сиёсий таваккал (риск)нинг таҳлили, баҳолаш ва бошқариш усуллари.**<br>Сиёсий хавф моҳияти, даражалари ва уни баҳолаш. Сиёсий хавф даражалари. Сиёсий хавфнинг қарор қабул қилишдаги тутган ўрни ва роли. Ҳақиқий ва "иш юзасидан" таваккалчиларга ажратилиши. Сиёсий хавфнинг баҳоланишида хисобга олинадиган омиллар. Сиёсий хавфни турли даражаларда баҳолаш: глобал, регионал, миллий. Хавф даражаларини баҳоловчи шакллар. Халқаро тижоратда сиёсий хавф: дунёнинг етакчи мамлакатлари рейтинги. Сиёсий хавфнинг омиллари ва симптомлари. "Принс" методикасида тизимида хавфни баҳолаш. Сиёсий хавфларни бошқариш технологиялари.<br><br>**12-Мавзу. Сиёсий режимларнинг моҳияти ва турлари.**<br>Сиёсий режим тушунчаси. Сиёсий режимларнинг турлари. Авторитар, тоталитар ҳамда демократик режимларнинг ўзига хослиги. Детерминантлар – сиёсий режимнинг табиати. Сиёсий режимларнинг функциялари. Замонавий сиёсий жараёнларда сиёсий режимларнинг ўзига хос хусусияти. Ўтиш давридаги давлатларнинг сиёсий режимидаги трансформацияси. Ўзбекистон жамиятининг ўтиш даври хусусиятларининг қиёсий таҳлили.<br><br>**13-Мавзу. Сиёсий ўзгаришлар ва сиёсий ривожланиш.**<br>"Сиёсий ўзгариш" ва "ривожланиш" тушунчалари. Сиёсий ўзгаришлар шароитида барқарорлик ва беқарорлик. Барқарор ва ўтиш давридаги сиёсий тизимларда сиёсий ўзгариш ва ривожланиш мезонлари. Сиёсий инқирозлар ва инқилоблар. Барқарор жамиятларда сиёсий ривожланиш хусусиятлари. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарб мамлакатларидаги сиёсий ўзгаришлар динамикаси. Барқарор сиёсий тизимни қайта ишлаб чиқариш шароитида сиёсий ривожланиш типологияси. Демократик ва тоталитар жамиятларда барқарорлик. Демократик сиёсий тизимни жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларга мослаштириш механизмлари. Барқарорлик сиёсий ислоҳотлар ва эволюцион |



| | |
|---|---|
| | 17. Хавфсизликнинг латент ва очиқ турлари.<br>18. Давлатларнинг хавфсизлик доктриналари. (АҚШ, Европа мамлакатлари, Исроил, Ўзбекистон).<br>19. Халқаро терроризм ва уни бартараф этиш йўллари.<br>20. Оммавий қурол экспорт қилиш муаммолари ва уни бартараф этиш халқаро конвенциялари.<br>21. Қашшоқ давлатлар муаммоси.<br>22. Ироқ ва Афғонистондаги сиёсий жараёнлар.<br>23. Миллий стратегияни ишлаб чиқиш жараёни.<br>24. Сиёсий жараёнларнинг асосий тушунчалари.<br>25. Интеграцион жараёнлар ва уларнинг мазмуни.<br>26. Халқаро ташкилотлар ва уларнинг таснифи.<br>27. Марказий Осий ва Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар.<br>28. Глобаллашув шароитида давлатнинг ҳолати ва хусусиятлари.<br>29. Халқаро хавфсизлик масалалари.<br>30. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида сиёсий жараённинг хусусиятлари.<br>Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади. |
| 3. | **V. Таълим натижалари / Касбий компетенциялари**<br>**Талаба билиши керак:**<br>• Сиёсий фанлар тизимида сиёсий жараёнларнинг ўрни, сиёсий жараёнларни тизимли таҳлил қилишни ўрганишнинг асосий назарияси ва методологияси, сиёсий жараёнларга оид бўлган билимлар ҳақида ***тасаввурга эга бўлиши***;(билим)<br>• Сиёсий жараёнларнинг тузилиши, классификацияси, турлари ва уларни аниқлаш босқичларини тизимли таҳлил қилиш кўникмаларини, замонавий сиёсий жараёнларда Ўзбекистон миллий манфаатларининг концептуал асосларини ва уларнинг хусусиятларини***билиши ва улардан фойдалана олиши***; (кўникма)<br>• Миллий, минтақавий ва глобал сиёсий жараёнларни тизимли таҳлил қилиш, уларнинг прогнозини амалга оширишда сиёсий тадқиқот усулларидан фойдаланиш ҳамда бу борада сиёсий қарорларни қабул қилиш усулларини ишлаб чиқиш, ечимлар вариантларини таклиф қилиш ва олинган билимларни амалда қўллаш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.*** (малака) |
| 4. | **VI. Таълим технологиялари ва методлари:**<br>• маърузалар;<br>• интерфаол кейс-стадилар;<br>• семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар);<br>• гуруҳларда ишлаш;<br>• тақдимотлар қилиш;<br>• индивидуал лойиҳалар; |

16. Ички ва ташқи стратегия.
17. Глобаллашув даврида сиёсий жараёнлар.
18. Глобаллашув шароитида давлатнинг ҳолати ва хусусиятлари.
19. Халқаро режимлар.
20. МДҲдаги сиёсий жараёнлар.
21. Европадаги сиёсий жараёнлар.
22. Эрон жараёни.
23. Афғон жараёни.
24. Болқон жараёни.
25. Шимолий Корея жараёни.
26. Яқин Шарқдаги сиёсий жараёнлар.
27. Ҳиндистон-Покистон можароси.
28. Халқаро ташкилотлардаги сиёсий жараёнлар.
29. Халқаро хавфсизлик масалалари.
30. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида сиёсий жараённинг хусусиятлари.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

## IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Сиёсатнинг назарий моделлари ва сиёсий таҳлил асослари. Сиёсий жараёнларда сиёсий таҳлилнинг ўрни.
2. Сиёсий жараённинг моҳияти ва унга оид концепциялар таҳлили.
3. Сиёсий жараёнларни ўрганишнинг услубий ёндашувлари.
4. Сиёсий жараёнларнинг турлари.
5. Сиёсий жараённинг тузилиши.
6. Сиёсий жараёнларни аниқлаш усуллари.
7. Сиёсий жараёнлар ва унинг даражалари.
8. Глобаллашувнинг салбий ва ижобий тамонлари.
9. Минтақавийлашув – глобаллашунинг асосий босқичи.
10. Сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш усуллари.
11. Сиёсий жараёнларнинг таҳлил жараёнида миллий, халқаро ва минтақавий хусусиятларни инобатга олиш.
12. Сиёсий жараёнларни таҳлил қилишнинг асосий парадигмалари.
13. Яқин Шарқдаги можароли вазият ундаги иштирок этувчи акторлар ва уни бартараф этиш йўллари.
14. Европа иттифоқининг интеграциялашувжараёни.
15. Марказий Осиё минтақаси давлатларининг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ва "Ката ўйин" жараёни.
16. Хавфсизлик масалалари давлатларнинг катта стратегияси сифатида.



ривожланишнинг зарурий шарти сифатида.

### 14-Мавзу. Сиёсий қарорлар қабул қилинишининг асосий моделлари, босқичлари, усуллари.

Давлат бошқаруви соҳасида қарор қабул қилиш. Қарор қабул қилиш тушунчаси ва асосий ёндашувлар. Политологияда қарорлар ишлаб чиқариш жараёни акс эттирадиган икки йўналиш: нормага мувофиқ назария ва ахлоқий назария. Сиёсий қарорлар типологияси. Қарор қабул қилувчи шахслар бўйича, расмий, дипломотик, фундаментал, ташкилий, программалаштирилган ва программалаштирилмаган қарорлар. Сиёсий бошқарувда сиёсий қарорларни ўрни ва уларга қўйиладиган талаблар. Муҳокамага асосланган қарор. Ақл-идрокка асосланган қарор.

### 15-Мавзу. Сиёсий жараёнларни башоратлаш ва стратегик режалаштириш.

Сиёсий башорат қилишнинг зарурияти ва моҳияти. Башорат янги билим ва фан сифатида. Башорат қилишнинг 2 жиҳати: олдиндан айтиш ёки олдиндан кўрсатиш. Башорат қилишнинг икки томони: назарий англаш ва бошқарув. Сиёсий башоратнинг объекти (ташқи ва ички). Сиёсий башоратнинг предмети (сиёсий ҳодисалар, жараёнлар). Ички сиёсий башорат, унинг тузилиши, сиёсий фаолият субектлари, сиёсат объекти. Ички башорат қилишнинг 2 жиҳати: ташқи сиёсий башорат. Башорат қилишнинг турлари: изланув башорати ва башорат. Сиёсий башорат қилишнинг объектив асослари ва шартлари. Муқобиллик тамойили. Башоратнинг тизимли тамойили. Башорат қилишнинг узлуксиз тамойили. Текширилган ва ишончли тамойил. Илмий башорат тадқиқот методлари. Замонавий эксперт баҳолаш методи ғояларини жамоавий генерациялаш "онгга хужум" методлари ва унинг босқичлари.

### 16-Мавзу. Ички ва ташки стратегия

Стратегия тушунчаси. Давлатнинг ички ва ташқи стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни. Ички ва ташқи сиёсий жараёнларнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари. Ички ва ташқи сиёсатнинг бир-бирига бўлган таъсири. Стратегияни амалга ошириш. Стратегияни кузатиш, ўзгартириш ва мукаммаллаштириш масаласи.

### 17-Мавзу. Глобаллашув даврида сиёсий жараёнлар.

Глобаллашув ва глобал ривожланиш тушунчалари. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий жиҳатлари. Глобаллашувнинг ривожланиш, сабаблари ва қонуниятлари. Глобаллашувнинг сиёсий жараёнларга бўлган таъсири.

### 18-Мавзу. Глобаллашув шароитида давлатнинг ҳолати ва хусусиятлари.

Ҳудудий яхлитлиги. Суверенитети. Ҳокимиятнинг жамоавий кучи. Глобаллашув жараёнида суверенитет концептининг ўзгариши. Глобал ўзгаришлар жараёнида реал суверенитет масаласи.

**19-Мавзу. Халқаро режимлар.**

Халқаро режим тушунчаси. Халқаро режимлар турлари. Замонавий халқаро сиёсий жараёнларда режимларнинг аҳамияти. Глобаллашув жараёнларининг халқаро режимлар ўзгаришига таъсири

**20-Мавзу. МДҲдаги сиёсий жараёнлар.**

МДҲнинг пайдо бўлиши. МДҲнинг ривожланиши. МДҲнинг инқирози. МДҲ доирасидаги сиёсий жараённинг мураккаблиги. Собиқ совет маконининг фундаментал трансформацияси. МДҲнинг асосий мезоний ва концептуалмуаммолари.

**21-Мавзу. Европадаги сиёсий жараёнлар.**

Европа минтақавий сиёсий жараёнининг келиб чиқиши. Европаликлар сиёсий бирлигининг асосий мезонлари. ЕИда федералистик жараён омиллари. Интеграцион жараённинг субъектлари, ресурслари, қонуниятлари.

**22-Мавзу. Эрон жараёни.**

Эрон инқирози ва унинг келиб чиқиши. Эрон муаммосини ва уни бартараф этиш жараёнини 3 даражада; миллий, минтақавий ва глобал даражаларда кўриб чиқиш. Эронни қайта тиклаш жараёни.

**23-Мавзу. Афғон жараёни.**

Афғонистондаги сиёсий вазият: кеча ва бугун. Афғонистон муаммосини ва уни бартараф этиш жараёнини 3 даражада, яъни миллий, минтақавий ва глобал даражаларда кўриб чиқиш. Афғонистонни қайта тиклаш жараёни.

**24-Мавзу. Болқон жараёни.**

Болқон минтақасидаги минтақавий можаро. Болқон муаммосини ва уни бартараф этиш жараёнини 3 даражада, яъни миллий, минтақавий ва глобал даражаларда кўриб чиқиш. Болқонлашув тушунчаси.

**25-Мавзу. Шимолий Корея жараёни.**

Шимолий Корея сиёсий тузуми. Шимолий ва Жанубий Кореяларнинг бирлашиш истиқболлари. Шимолий Кореянинг ҳарбий тайёргарликлари, Шимолий Кореянинг ядровий дастури. Жаҳон ҳамжамияти даражасида Шимолий Корея масаласи. “6+1” жараёни.

**26-Мавзу. Яқин Шарқдаги сиёсий жараёнлар.**

Яқин Шарқдаги сиёсий вазият. Араб-Исроил можаросининг бугунги ҳолати. Яқин Шарқдаги террористик ташкилотларнинг фаолияти. 2006й. Ливандаги уруш ва уни тугатиш йўлида жаҳон ҳамжамиятининг чоралари.

**27- Мавзу. Ҳиндистон-Покистон можароси.**



Икки давлатнинг бир-биридан ажралиши. Можаронинг келиб чиқиши ва моҳияти. Можарони бартараф этишда жаҳон ҳамжамиятининг роли. Можаронинг ечилиши истиқболлари.

**28-Мавзу. Халқаро ташкилотлардаги сиёсий жараёнлар.**

БМТ даражасида сиёсий жараёнлар. БМТнинг асосий замонавий муаммолари. НАТОнинг халқаро хавфсизликни таъминлашда янги замонавий роли. ЕХҲТ доирасида сиёсий жараёнлар ва ташкилотнинг асосий муаммолари. ШҲТнинг геосиёсий ўлчами.

**29-Мавзу. Халқаро хавфсизлик масалалари.**

Кенг қамровли халқаро хавфсизлик тизимини барпо этиш муаммолари. Халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизликнинг бўлинмаслиги (мисолларнинг таҳлили асосида). Халқаро ва миллий хавфсизликка бўлган янгича таҳдидлар таснифи. Хавфсизлик сиёсати.

**30-Мавзу. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида сиёсий жараённинг хусусиятлари.**

Ўзбекистон янги тараққиётининг ривожланиш хусусиятлари. Янгиланиш ва ўзгаришлар. Ички сиёсий жараёнларни либераллаштириш. Ташқи сиёсатдаги очиқлик. Марказий Осиё давлатлари билан бўлаётган сиёсий жараёнларда Ўзбекистоннинг роли.

**III. Амалий машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Сиёсатнинг назарий моделлари ва сиёсий таҳлил асослари. Фаннинг предмети, мақсад ва вазифалари.
2. Сиёсий жараёнларда сиёсий таҳлилнинг ўрни.
3. Сиёсий жараённинг моҳияти ва унга оид концепциялар.
4. Сиёсий жараёнларни ўрганишнинг услубий ёндашувлари.
5. Сиёсий жараёнларнинг турлари.
6. Сиёсий жараённинг тузилиши.
7. Сиёсий жараёнларни аниқлаш усуллари.
8. Сиёсий жараёнларни аниқлаш босқичлари.
9. Сиёсий жараёнларда манфаатлар ва уларнинг давомийлиги.
10. Тарихий ривожланиш жараёни ҳамда ижтимоий ўзгаришларнинг хусусиятига қараб сиёсий жараёнларнинг турлари.
11. Ижтимоий-сиёсий таваккал (риск)нинг таҳлили, баҳолаш ва бошқариш усуллари.
12. Сиёсий режимларнинг моҳияти ва турлари.
13. Сиёсий ўзгаришлар ва сиёсий ривожланиш.
14. Сиёсий қарорлар қабул қилинишининг асосий моделлари, босқичлари, усуллари.
15. Сиёсий жараёнларни башоратлаш ва стратегик режалаштириш.